ВЕНГРИЯ ПРЕЗИДЕНТИ ЎЗБЕКИСТОНДА

29 октябрь куни Венгрия Республикаси Президенти Арпад Гёнц расмий ташриф билан мамлакатимизга келди.

Тошкент аэропортида олий мартабали меҳмонни Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ў. Султонов, ташқи ишлар вазири А. Комилов ва бошқа расмий кишилар кутиб олди. Кутиб олувчилар орасида Венгриянинг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Дьёрд Нановски ҳам бор эди.

(ЎзА).

ДОВОН ОШГАНЛАР

Самарқанд вилоятининг Пастдарғом ва Иштихон туманлари зафар қучди. Пастдарғомликлар қабул пунктларига 22 минг 100 тоннадан зиёд «оқ олтин» топширди. Ўртача ҳосилдорлик 24,5 центнерни ташкил этди. Иштихонликлар эса 29 минг 200 тонналик хирмон уйди. Гектар бошига ўртача 28 центнердан ҳосил кўтарилди.

«Пахта — 97»

МАРРА ЭГАЛЛАНДИ

Фарғона тумани пахтакорлари зафар қучди. Улар уйган хирмон — 19 минг 175 тоннадан ошди. Ўртача ҳосилдорлик гектар бошига 24,5 центнерни ташкил этди. Фарғоналиклар ялпи хирмонни 23 минг тоннага етказиш учун астойдил меҳнат қилмоқда.

УЧ ТУМАН ҒАЛАБАСИ

Қашқадарё вилоятининг яна уч тумани — Қарши, Қамаши ва Косон тумани пахтакорлари маррага етди. Қаршиликлар 39,5 минг тонна, қамашиликлар 29,7 минг тонна, косонликлар эса 55 минг тонна қимматли саноат хом ашёси етказиб бердилар. Пахта йиғим терими давом этмоқда.

(Ўз мухбиримиз).

ВАТАН ХАРИТАСИ

Республика Вазирлар Маҳкамасининг 28 октябрь куни бўлиб ўтган мажлисида шу йилнинг 9 ойида Ўзбекистонни иқтисодий-ижтимоий ривожлантириш якунлари ва мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг бориши тўғрисидаги масала кўриб чиқилди.

* * *

Пойтахтдаги «Ўзэкспомарказ»да қурилиш индустрияси, маиший техника ва интерьер бўйича халқаро кўргазма давом этмоқда. Кўргазмада Австрия, Германия, Қозоғистон, Корея, Покистон, Россия, Швейцария, Туркия ҳамда юртимизнинг ўнлаб фирмалари иштирок этмоқда.

* * *

Тошкентда Ўзбекистон мустақиллигининг олти йиллигига бағишланган «Труд» газетаси соврини учун биринчи халқаро шахмат турнири айни қизғин паллада. 9 турдан иборат Швейцария услубида ўтаётган бу мусобақанинг 7 тури ўйналди. Ҳозирча тошкентлик шахматчилар пешқадам.

* * *

«Қувасойцемент» ҳиссадорлик жамияти ишлаб чиқараётган маҳсулотлар сифатининг юксаклиги билан ажралиб туради. Бу маҳсулотлар чет элларга ҳам экспорт қилинмоқда.

Яқинда Қувасой шаҳрига Испаниядан хушхабар келди. Мадриддаги халқаро «Олтин юлдуз» конвенцияси «Қувасойцемент»ни «Юқори сифат учун» халқаро мукофоти билан тақдирлади. Бу юксак мукофот — Ўзбекистондаги яна бир корхона маҳсулотлари сифатининг жаҳон миқёсида тан олинишидан далолат!

Ватанни севмак иймондандур!

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Ўзбекистон Халқ демократик партияси газетаси

1997 йил 30 октябрь, пайшанба № 127 (22.210).

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармойиши

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК КОРХОНАЛАРИНИ САНАЦИЯ ҚИЛИШ МАСАЛАЛАРИ БЎЙИЧА ҲУКУМАТ КОМИССИЯСИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

Белгиланган вазифаларни мунтазам равишда бажармай келаётган, молиявий жиҳатдан оғир аҳволга тушиб қолган, улкан дебиторлик қарзлари ва тўловлари зиммасида бўлган, яъни банкротлик ҳолатидаги қишлоқ хўжалиги корхоналари тақдирини ҳал этиш бўйича таклиф ва ҳал этилиши лозим бўлган масалаларни тайёрлаш мақсадида:

1. Қишлоқ хўжалиги корхоналарини санация қилиш бўйича иловадаги таркибда ҳукумат комиссияси ташкил этилсин.

Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда худди шундай комиссиялар тузилиб, уларга раҳбарлик қилиш Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раисининг ҳамда вилоят ҳокимларининг иқтисодий масалалар бўйича ўринбосарлари зиммасига юклансин.

2. Ҳукумат комиссияси зиммасига қуйидаги вазифалар юклансин:

зарар кўриб ишлаётган ва иқтисодий жиҳатдан ночор қишлоқ хўжалик корхоналарини инвентаризация қилиш ишларини мувофиқлаштириш;

қонунчиликка мувофиқ тарзда бундай хўжаликларни санация қилиш бўйича белгиланган тадбирларни тайёрлаш ва амалга ошириш;

қишлоқ хўжалиги корхоналарининг молиявий ҳолатини мустаҳкамлаш ҳамда уларнинг банкротликка тушиб қолишининг олдини олиш бўйича ягона давлат сиёсатини ўтказиш;

иқтисодий жиҳатдан ночор қишлоқ хўжалик корхоналарини молиявий соғломлаштириш ҳамда уларни бошқаришни ташкил этишни яхшилаш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқиб, амалга ошириш;

қишлоқ хўжалик корхоналарини иқтисодий жиҳатдан ночор ҳолатга олиб келган мансабдор шахсларнинг жавобгарлик даражасини кўриб чиқиш;

қишлоқ хўжалик корхоналарини санация қилишга ажратилган маблағлардан аниқ мақсад йўлида ва самарали фойдаланишни назорат қилиш.

3. Қишлоқ хўжалиги корхоналарини санация қилиш бўйича ҳукумат комиссияси 10 кун муддат ичида қишлоқ хўжалик корхоналарини иқтисодий жиҳатдан ночор деб топиш тартиби ва қишлоқ хўжалиги корхоналарини санация қилиш тартибини ишлаб чиқиб, тасдиқласин.

4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қишлоқ хўжалик корхоналарини санация қилиш бўйича ҳукумат комиссияси иштирокида бир ой муддат ичида «Қишлоқ хўжалик корхоналарини санация қилиш ҳақида»ги қонун лойиҳасини ишлаб чиқиб Олий Мажлисга кўриб чиқиш учун тақдим этсин.

5. Мазкур Фармойишнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ў. Султонов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1997 йил 29 октябрь.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1997 йил 29 октябрдаги Фармойишига илова

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК КОРХОНАЛАРИНИ САНАЦИЯ ҚИЛИШ МАСАЛАЛАРИ БЎЙИЧА ҲУКУМАТ КОМИССИЯСИ ТАРКИБИ

Ҳамидов Б. С. — Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, комиссия раиси

Умаров М. Т. — Давлат мулкини бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси раисининг биринчи ўринбосари, корхоналарнинг иқтисодий ноқобиллиги бўйича қўмита раиси, комиссия котиби

Комиссия аъзолари:

Обидов О. О. — меҳнат вазири

Абдусаломов М. Э. — олий хўжалик суди раиси

Беганов В. С. — давлат солиқ қўмитаси раиси

Жўраев А. М. — макроиқтисодиёт ва статистика вазирининг ўринбосари

Қалибеков И. Ж. — Бош вазир ўринбосари котибияти мудири

Мирсафоев С. С. — адлия вазири

Муллажонов Ф. М. — Марказий банк бошқаруви раиси

Сайфиддинов Ж. Б. — молия вазири

Саломов И. Т. — «Мевасабзавотбанк» бошқаруви раиси

Тошматов К. Ф. — «Пахтабанк» бошқаруви раиси

Ҳамроев Н. Р. — Ўзбекистон қишлоқ хўжалик илмий ишлаб чиқариш марказининг бош директори

Эргашев Й. Э. — «Ғаллабанк» бошқаруви раиси

Юсупов Н. С. — Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирининг биринчи ўринбосари

«Обуна — 98»

БИЗНИНГ ГАЗЕТА!

Қорақалпоғистон Республикаси Тўрткўл туманидаги Оқолтин ҳиссадорлик жамияти ишчиларидан 20 нафари «Ўзбекистон овози»га ёзилдилар.

Шарофат ЙЎЛДОШЕВА.

«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ»ГА ОБУНА БЎЛДИЛАР

Ташкилотчи раҳбар Раҳматилла Ўроқов бошчилик қилаётган Қарши ёғ-экстрация ҳиссадорлик жамияти аъзоларидан 50 нафари «Ўзбекистон овози» газетасига обуна бўлди.

Илҳом КАРОМОВ.

БУ ДУНЁНИНГ ИШЛАРИ

Хитой Халқ Республикаси раиси Цзян Цзэминнинг АҚШга расмий ташрифи давом этмоқда. У Вильямсбург (Виржиния штати)да бўлди. Хитой раҳбари АҚШнинг тарихига боғлиқ воқеалар билан танишди. Чоршанба куни Вашингтонга келиб Оқ уйда Президент Билл Клинтон билан қўшма матбуот конференциясида иштирок этди.

* * *

«Интернет» ахборот марказининг хабарларига кўра Афғонистонда толибларнинг жанговар қўшинлари командирлари шимолий иттифоқ вакиллари томонига ўтмоқда. Куни-кеча Амир Ғулом қўмондонлигидаги 7000 дан ортиқ Ислом аскарлари толибларга қарши муҳолифат томонига ўтди. Яқингинада генерал Аҳмад Шоҳ Масъуд толибларнинг учта йирик қўмондони билан учрашиб, уларга биродаркушлик урушидан ҳеч қандай фойда йўқлигини тушунтирди. Бундан ташқари уларни муҳолифат томонга ўтишга чақирди. Айни пайтда шимолий иттифоқ вакиллари толибларнинг Башир Баклоний қўмондонлигидаги «Хебзи исломия» ҳаракати раҳбарлари билан музокаралар олиб боришмоқда. Шимолий иттифоқ раҳбарлари ўртасидаги муносабат яхшиланиб бормоқда. Генерал Абдул Рашид Дўстум билан генерал Абдул Малик ҳамкорликда ҳаракат қилишмоқда.

***

Корея ярим оролида йирик йўналишдаги Америка — Жанубий Корея ҳарбий машқлари бошланди. Сеулдан хабар қилишларича, Жанубий Кореянинг барча ҳарбий кучлари 33 мингдан зиёд америкалик ҳарбий хизматчилар билан бирга машқлар олиб боришяпти. Ҳар йили ўтказиладиган бу машқлар ўн бир кун давом этади. Улар тасаввуридаги душманга қарши курашни, унинг ҳужумларини қайтариш усулларини ўрганадилар. Бўлинмалар ва қўшинларни бошқариш усулларини машқ қиладилар.

* * *

Яқинда Туркманистондан Покистонга газ етказиб бериш мақсадида 1271 километрлик газ қувури қурилишига киришиш ҳақидаги қарорга имзо чекилди. «Марказий Осиё газ қувури Лтд» халқаро консорциумига аъзо бўлган Саудия Арабистони, Япония, Корея ва Покистоннинг олтита нефть компанияси шу қарорга келди. Туркманистоннинг Деҳлидаги элчихонасида маълумот беришларича газ қувури «Буюк Ипак йўли» бўйлаб ўтиб, Афғонистон ҳудуди бўйлаб Покистоннинг Мўлтон шаҳригача етиб боради. Кейинчалик у яна 640 километргача чўзилиб Покистон, Ҳиндистон чегарасигача етади. Туркманистон йилига бир миллиард куб метр миқдорида газ етказиб беришга кафолат берди. Лойиҳанинг нархи 2,5 миллиард доллар деб баҳоланмоқда.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАШҚИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИНИНГ БАЁНОТИ

Илгари хабар қилинганидек, 27-28 октябрь кунлари Тожикистон Республикасининг Ўзбекистон чегарасига яқин Турсунзода туманида ҳукумат қўшинларининг ҳукуматга қарши йўналишдаги жангарилар тўдаси билан қуролли тўқнашувлари юз берди.

Айни шу пайтда 1997 йил августида ҳукумат гвардияси томонидан тор-мор қилинган Тожикистон Мудофаа вазирлигининг мунтазам қисми — М. Худойбердиев бригадасининг айрим жангарилари гўё Ўзбекистон ҳудудидан ўтаётгани ҳақида турли ахборот ва миш-мишлар тарқатилди.

Бундай миш-миш ва талқинларга асос бўлаётган фактларни аниқлаш ва муҳокама қилиш учун Ўзбекистон томонининг таклифига биноан 1997 йил 28 октябрь куни Ўзбекистон Республикасининг Термиз шаҳрида Тожикистон ва Ўзбекистоннинг хавфсизлик хизмати, чегара қўшинлари, Ташқи ишлар ва Ички ишлар вазирликлари раҳбарларининг учрашуви бўлиб ўтди.

Томонлар Тожикистоннинг Ўзбекистон билан чегарадош жойларида юз берган қуролли тўқнашувлар фактларини муҳокама қилиб, ана шу ҳолларга, қурбонлар берилишига ҳамда Тожикистондаги ички қарама-қаршиликнинг кучайишига олиб келган вазият ва унинг аниқ сабаблари хусусида фикр алмашдилар.

Учрашувнинг Тожикистон томонидан иштирокчилари, шунингдек, БМТнинг қочқинлар ишлари бўйича гуруҳи комиссари раҳбарлигида чегарадош Термиз туманидаги Амударё кечуви орқали тожик қочқинларининг ватанига қайтиши, уларнинг хавфсизлиги таъминланиши ҳамда уларга мурувват ёрдами кўрсатилиши юзасидан амалга оширилган ишлар билан таништирилди.

Тожикистоннинг ўзбек ва тожик миллатига мансуб, Ўзбекистон ҳудудида яшайдиган аҳоли билан қариндошлик алоқаларига эга бўлган аҳоли истиқомат қиладиган чегарадош ҳудудларидаги вазият таҳлили шуни кўрсатадики, икки давлат ўртасида, қабул қилинган халқаро меъёрларга жавоб берадиган аниқ белгиланган чегара шакллантирилмас экан, Ўзбекистон ва Тожикистон чегаралари ўртасида яхши йўлга қўйилган чегара хизмати барпо этилмас экан, Тожикистонда беш йилдан ортиқ вақт мобайнида давом этаётган сиёсий ва қуролли тўқнашувларни назарда тутганда, «Ўзбекистон қартаси» қабилидаги турли найрангларга баҳона топилаверади.

Бу вазифани ҳал этиш Ўзбекистон томонидан ҳам, Тожикистон томонидан ҳам анчагина бюджет маблағлари сарф қилинишини тақозо этади.

Шундай бўлса-да, Термиздаги учрашув иштирокчилари яқин орада чегара ҳудудида манфаатдор хизматларнинг учрашувини ўтказиш, Тожикистон ва Ўзбекистоннинг қуролли тузилмалари ва чегара хизматларининг ҳамкорлигини кенгайтириш ва мустаҳкамлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар белгилаш, чегарада тартиб ўрнатиш, фуқаролар ва юкларнинг ўтказилиши тартибини такомиллаштириш зарурлиги ҳақида бир фикрга келдилар.

Наркотик моддалар ва қурол билан ғайриқонуний савдо қилиш, уларни Тожикистон-Ўзбекистон чегарасидан олиб ўтиш, шунингдек, уюшган жиноятчилик ва террорчиликка қарши курашни кучайтириш билан боғлиқ масалаларга алоҳида эътибор қаратилди.

Айрим оммавий ахборот воситалари тарқатган, гўё Тожикистоннинг Хатлон вилояти ҳокими собиқ ўринбосари М. Худойбердиевнинг собиқ сафдоши Қосим Бобоев берган кўрсатмалар ҳақидаги ахборотлар хусусида, Ўзбекистон Ташқи ишлар вазирлиги шуни маълум қиладики, мазкур шахс (Қ. Бобоев) 1997 йил 15 октябрь куни Ўзбекистон ҳудудида қўлга олиниб, Тожикистон ҳукуматига топширилган.

Ташқи ишлар вазирлиги шуни таъкидлайдики, Ўзбекистон Республикаси Тожикистонда тезда мустаҳкам тинчлик ва барқарорлик ўрнатилишидан, Тожикистон халқининг фаровон турмуш кечиришга эришишидан энг манфаатдор мамлакатдир.

Тошкент шаҳри,
1997 йил 29 октябрь.

«ЙЎЛБАРС»НИНГ ҚАЙТИШИ

«Стажи» бор бокс мухлислари 1974 йил Куба пойтахти — Гаванада ўтказилган жаҳон чемпиовати ўйинларини яхши эслашади. Ўшанда ҳамюртимиз Руфат Рисқиев бокс бўйича жаҳон чемпиони бўлганди. «Тошкент йўлбарси» — Руфат Рисқиевни ўшандан сўнг Ўзбекистонда ҳамма шундай атайдиган бўлишди. Бу — боксчимизга ишқибозлар томонидан берилган унвон.

1997 йил яна бир «йўлбарс»имиз дунёга танилди. Венгрияда бўлиб ўтган бокс бўйича жаҳон чемпионати мусобақаларида мамлакатимиз спортчилари нималарга қодир эканлигини кўрсатди. Ўтган шанба куни оммавий ахборот воситалари вакилларининг Будапештдан тарқатган спортга оид хабари дунёда шов-шув бўлди.

«Ўзбекистонлик Руслан Чагаев беш карра жаҳон чемпиони, икки марта олимпиада ғолиби кубалик Феликс Савон устидан соф ғалаба қозониб жаҳон чемпиони бўлди». Бу хабар қисқа ва аниқ қилиб ўша куни кўп бор такрорланди.

Ватанимиз шарафини ҳимоя қилган боксчиларимиз Тошкент аэропортида карнай-сурнайлар билан кутиб олинди. Мамлакатимиз жамоаси бош мураббийси Владимир Шин ва унинг шогирдларини республика Жисмоний тарбия ва спорт давлат қўмитаси ва Ўзбекистон бокс федерацияси раҳбарлари қутладилар.

— Рингда энг оғир жанг ким билан бўлди? — сўраймиз жаҳон чемпионидан.

— Ҳаммаси ҳам оғир бўлди. Лекин ярим финалда германиялик Ханке Микини билан бўлган жанг энг қийини бўлди.

Рингда мардларча олишиб, Ўзбекистон байроғини баланд кўтарган Руслан Чагаев Ватанимизга ёруғ юз билан қайтди. Бугун уни ҳамма қутлайди, олқишлаяпти.

Руфат ва Руслан. Улар бизнинг «йўлбарсларимиз». Ниятимиз юртимизда шундай «йўлбарс»лар — жаҳон чемпионлари сони кўпаяверсин.

Равшан ОМОНОВ.

Ватанни севмак иймондандур!

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Нашр индекси: Якка тартибдаги обуначилар учун — 220
Ташкилотлар учун — 221

ФМТ-1

"Ўзбекистон почтаси" Давлат-Акционерлик компанияси

АБОНЕНТЛИК Газета ____ Нашр индекси

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Обуна сони

1998 йил учун (ойлар бўйича)

1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12

Қаерга ____ (почта индекси) ____ (манзилгоҳ)

Кимга ____ (Фамилияси, исми ва отасининг исми)

ФМТ-1

п.в Жойи

Нашрга етказиш варақаси ____ Нашр индекси

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Обунани янги манзилга юбориш	Баҳоси	сўм	обуна сони
	Баҳоси	сўм	

1998 йил учун (ойлар бўйича)

1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12

Қаерга ____ (почта индекси) ____ (манзилгоҳ)

Кимга

КЕЧА ВА БУГУННИНГ САБОҚЛАРИ

ПАХТА КЕЧКИМИ ЁХУД СУСТКАШЛИККА САБАБ БЎЛАК ИЛЛАТМИ?

1. «КЕЛАСИ ЙИЛ ҚОЙИЛ ҚИЛАМИЗ!»

Баҳор яхши-да. Ҳали ғалвирни сувдан кўтаришга олти-етти ойча вақт бўлади. Бу пайтда айрим раҳбарлар тап тортмай баланд-парвоз ваъдалар беришади.

Охунбобоевликлар ҳам айнан йил бошида катта хирмонни кўзлашганди. Энг сўнгги ваъда — мавсум арафасидаги апробация бўйича туман пахтакорлари 21 октябрь куни йиллик режани уддалашлари лозим эди. Аммо ўша куни режанинг 78 фоизи бажарилди, холос. Терим суръати эса кундан-кунга сустлашмоқда. Кунлик пахта топшириш атиги ярим фоизни ташкил этаётир. Туман ҳокими Муйдинхўжа Аҳмадхўжаев бу ҳолатни шундай изоҳлайди: биринчидан — 3835 гектар майдон қайта экилди. Иккинчидан — ғўза ривожи даврида ҳаво иссиқ келди, сув танқислиги туфайли вақтида суғориб улгурмадик, оқибатда ўрта қатламдаги шоналар тўкилиб кетди. Учинчидан — техника етишмайди. Тўртинчидан — ерларнинг мелиоратив ҳолати ёмон. Бундан қатъи назар, ҳоким, режадаги ҳосил етиштирилганини таъкидлади.

Табиий савол туғилади: етарли ҳосил йиғилган бўлса нега режа белгиланган муддатда бажарилмади? Қолаверса, бугун терим суръатининг орқага кетишига сабаб нима?

Ҳокимнинг яна бир даъвоси бор: ерларнинг режадаги ҳосилдорлик даражаси ошиқча белгиланган! Ҳолбуки, туман бўйича ўртача ҳосилдорлик 22 центнер, холос. Ишлов бериш даврида тумандаги ҳар бир чопиқ тракторига 40 гектар ер тўғри келмайди. Ерларнинг мелиоратив ҳолати масаласига келсак, ҳақиқатан ҳам, кейинги уч йилда хўжаликлараро ариқ-зовурларнинг 78 фоизи, ички суғориш шаҳобчаларининг 30 фоизи тозаланган, холос. Аммо мана шу даврларда туманни бошқарган одам Мўйдинхўжа Аҳмадхўжаевнинг ўзлари бўлган. Нима, бешариқликлар ёхуд олтиариқликлар келиб бу ариқ-зовурларни тозалаб бериши керакмиди унга?

Умуман, бу туманда ана шундай аломат кайфиятни сезиш қийин эмас. Абдазхон Алигавҳаров номли жамоа хўжалигининг Шокиржон Худойбердиев бош бўлган бригадаси пахта далаларини айланганимизда фақат икки нафар теримчи пахта тераётганининг шоҳиди бўлдик. Буни кўриб, ажабланиб турганимизда хўжалик бошқаруви раиси Муҳамадали Даминов асосий теримчилар қўшни далада эканлигини айтди. Ҳақиқатан ҳам, ён томондаги пайкалда 60 га яқин қизлар эгат оралаб пахта тераётган экан. Лекин улар бригада аъзолари эмас, балки Марғилон тиббиёт билим юртининг талабалари бўлиб чиқди.

Қизиқ, бригаданинг 74 та аъзоси бор. Улардан атиги 5—6 нафари далада. Улар ўрнига талабалар пахта тераяпти.

Ҳашарчи қизлардан қандай муаммолар борлигини сўрадик.

— Пахта чатоқ холос, бошқа муаммо йўқ, — деб жавоб қилишди улар.

Чап томондаги дала икки-уч кун олдин бостириб суғорилган.

— Зах ерда одамлар касал бўлмайдими, нега бемаврид сув қуйилди?

Бу саволга Муйдинхўжа Аҳмадхўжаев шундай деди:

— Бу йил сув жуда танқис бўлди, ҳозир сув бемалол бўлгани учун далага қуйиляпти.

Бу гапни эшитиб на қуйишингизни биласиз, на кулишингизни. Аммо октябрнинг охирида пахтазорни суғориш қаттиқ русумга кирган шекилли, Тожиали Бобоев номли жамоа хўжалигининг Раҳматулла Қодиров бош бўлган бригада пайкалларида ҳам сув кўллаб турибди, ғўза ўтлар орасида қолиб кетган. Бир амаллаб пахта терилмоқда.

Биз Раҳматулла Қодировдан:

— Бригадангизда ҳосилдорлик 10 центнерга ҳам етмабди. Азамат йигит экансиз, ҳаммадан орқада қолиб юришга ор қилмайсизми? — деб сўрадик. У кулди:

— Жуда унчалик эмас. Биздан орқада қолаётганлар ҳам бор. Мана, Иброҳим Жамолиддинов. Унинг бригадаси ҳали 20 фоиз ҳам пахта топширгани йўқ.

— Нега?

— Уларнинг даласига биринчи марта пахта экилиши, сувни тупроқ шимиб кетган-да...

Биз қўшни далада кўкка бўй чўзиб турган, теракдай гуркираб ўсаётган маккажўхоризорни кўриб, «Наҳотки, шу ер ёмон бўлса?» деган хаёлга бордик.

— Еримиз унча ёмонмас, — дейди Муҳаммадали Даминов. — Мана шу звено 3 гектар ерга плёнка остига чигит экиб, 42,2 центнер ҳосил олди.

— Плёнкаси қани бунинг?

— Плёнкаси тупроқнинг тагида кўмилиб қолиб кетган-да.

— Унда плёнка остига экканингизнинг нима фойдаси бор?

— Бу ерга гўнг ҳам солганмиз, ака.

Хуллас, мана шунақа гаплар. Хўжалик ўтган йили ҳам йиллик пахта тайёрлаш режасини бажармаган. Бугунги кунда 36 миллион сўм миқдорида қарзга эга. Ҳосилдорлик гектар бошига 19 центнер қилиб белгиланган. Ҳозиргача йиғиштирилган пахта 13 центнерга ҳам етган эмас. Хўш, бунинг оқибати нимага олиб келади? Ердан деҳқоннинг кўнглини бездиради, холос. Чунки далага чиқиб ишлашдан моддий манфаатдорлик деярли йўқ.

— Терим суръатининг пасайишига сабаб шу эмасмикан? — деб сўрадик ҳокимдан.

— Йўқ, — деди у киши. — Масалан, Абдужалил Отабоев номли жамоа хўжалигида 1013 та ҳашарчи пахта теряпти.

— Жамоа аъзолари-чи?

— 1200 киши.

— Улар ҳам пахта теришяптими?

— 350 таси.

— Қолганлари-чи?

— Биз уларни ҳам албатта теримга чиқарамиз. Ҳозир туман бўйича 28 та махсус гуруҳ ҳаракат қиляпти. Уларнинг таркибида электр, газ, солиқ идораларининг вакиллари бор.

— Улар нима каромат кўрсатишади?

— Пахтага чиқмаган хонадонларнинг электр, газини ўчириб ташлашади.

— Шуни сиз тўғри деб ҳисоблайсизми?

— Ахир, қандайдир йўл билан одамларга таъсир қилиш керакку. Лекин умуман далада одамни кўпайтириш ҳам тўғри келмас экан. Улар пахтани хом териб қўйишяпти. Заводда унинг 30-35 фоизи чегириляпти.

Охунбобоев туманида ҳамма хўжалик раҳбарлари деҳқоннинг кўнглини топа олмаяпти, оқибатда йилдан-йилга иш орқага кетяпти, деган хулоса чиқармаслик керак. Бу ерда ҳам 32 центнердан ҳосил кўтарган, йиллик режани 116 фоизга уддалаган жамоа бор, одамларни ўзининг ортидан эргаштириб, чиройли амаллар қилаётган раҳбар бор. Унинг исми Отабек Рустамов — М. Умаров номли жамоа хўжалиги бошқаруви раиси. Биз ундан:

— Нима, туманингиздаги каби муаммолар сизнинг хўжалигингизда йўқми? — деб сўрадик.

— Бор эди. Биз дастлабки ишни шу муаммоларни ҳал қилишдан бошладик, — деди у. — Энг аввало, хўжаликдан чиқиб кетган, турли жойларда ишлаётган техниканинг пирларини йиғиб келиб, бирини ака деб, бирини ука деб ишдан чиққан 5 та тракторни созлаб беришларини илтимос қилдим. Техникадан кўнгил тўлгач, шина терими йўқ дейишяпти. Биз 50 фоиз пахтани машинада териб оламиз!

Бу гапни эшитиб ўтирган оқсоқоллардан бири мийиғида кулди. Ўтган йили режа уддаланмай қолгач, ўшанда ҳам ҳоким шундай деб юборган шекилли, афтидан, оқсоқол шуни эслади.

2. САДАҒАНГ КЕТАЙ, ОНА ЕР!

— Аммо охунбобоевликларга ҳам осонмас, — деди бешариқлик Аҳмаджон ота Маматов.

— Сизларга-чи?

— Бизлар ўрганиб кетганмиз. Бешариқ Қўқон шамолининг йўлида жойлашган. Шунинг учун ҳам дала четига қатор-қатор тераклар экилган. Кейин беда, ундан кейин пахта. Шундай қилмасак, эккан чигитимиз униб чиқиши билан шамол уни юлиб, учириб, бир-икки чақирим нарига олиб бориб ташлайди. Бизнинг одамлар ғўзасини сел олиб кетса, буни бировнинг олдига масала қилиб қўймайди, нолиб ҳам ўтирмайди. Борсангиз, даласида куймаланиб юрган бўлади. «Ҳа?» десангиз, «Шу ернинг пахтасини шамол олиб кетибди, қайта экиб қўйдик, қараб турибмиз — чиқиб қолармикан, деб», дейди.

— Нега шундай?

— Энди биров учун қилмайдику. Ишласа ўзи учун ишлайди.

... Аҳмаджон ота 67 ёшда. Мана, 27 йилдирки, у киши «Рапқон» жамоа хўжалигида бригада бошлиғи. Бригаданинг 78 гектар ери бор: 18 гектари боғ, 21 гектари буғдойзор. Бир гектарга сабзавот, қолганига пахта экишган.

Дала шийпонига кириб борган заҳоти дилингиз яйрайди: шинам, озода, ҳовуз буйига сўри қўйилган. Супа супуриб-сидирилган, янги келин тушган ҳовлими дейсиз. Бир четда самовар қайнаяпти. Ҳув нарида эса бригаданинг хотин-қизлари пахта теришмоқда. Жамоа 10 сентябрь куни теримга тушган, биринчи теримни 18 сентябрь куни якунлаган, йиғиб олинган ҳосил 32,6 центнерни, режа 105 фоизни ташкил этган. Бугунги кунда ҳосилдорлик 55 центнерга қараб кетмоқда. Биз борган куни бригаданинг йиллик режаси 160 фоиздан ошган экан. «Ҳали далаларимизда 7 центнердан зиёд пахта бор», дейди оқсоқол.

Маматовнинг жамоаси 9 апрель куни чигит экишга киришиб, бир ҳафта ичида уни якунлаган.

— Экишдан олдин 400 килограммдан фосфор сочдик, — дейди оқсоқол. — Маҳаллий ўғит солдик. Ҳар йили январнинг ўн бешигача гўнг тўплаб, компост қиламиз. Ернинг ҳолатидан келиб чиқиб, уни уч қисмга бўлганмиз. Шунинг ҳар қайсига 60-70 тоннадан гўнг соламиз. Бу азотнинг ўрнини босади. Қолгани ишловга боғлиқ. Июль-август ойларида сувчилар билан мана шу шийпонга кўчиб келиб оламиз. Бепул овқат, шароит бўлади. Кечаси телевизор кўришади.

— Оқсоқол, бу йил жуда кўп жойларда пахта кеч етилди. Сабабини сўрасангиз, раҳбарлар баҳорда ёмғир панд берди, қайта экдик, бунинг устига нав бузилган, ҳатто дефолиация қилсанг ҳам ғўза шохлаб кетаверди, дейишмоқда. Сиз бу гапларга қандай қарайсиз?

— Энди болам, шу бу йил ҳам табиатдан нолисак, унда ношукрлик бўлади. **Пахтани кечки қиладиган ҳам, эртанги қиладиган ҳам деҳқоннинг ўзи**. Фаҳмимча, ҳаммаси раҳбарга боғлиқ. Ҳаракатчан, уринчоқ бўлса, ниятига етади. Охунбобоевликлар бизга мусобақадош. Шундай келиб, мана шу далага кирганда «Инҳ» дейишди. «Ҳа» десам, «Биз ўз вақтида 35-40 сантиметр чуқурликда ерни шудгор қилдик, икки марта шўр ювдик. Баҳорда ерни кўндалангига ҳайдадик. Мана шу ишимиз яхши натижа берди: 40 центнергача ҳосил кўтардик. Ҳатто қумлоқ жойларда ҳам ҳосилдорлик 30 центнердан кам бўлгани йўқ. 160 гектар боғимиз бор. Ундан ҳам дурустгина даромад келди. Хўжаликнинг 3 миллион қарзи бор экан, узиб юбордик. Одамларнинг иш ҳақини бердик. Ғишт заводи қуриб, ишга туширдик, ҳар куни у 10 минг дона ғишт тайёрлаб беради. Ўзимизнинг пиллани қайта ишлайдиган цехимиз бор, бу ерда атлас тўқиб чиқаришни йўлга қўйдик. Консерва цехи маҳсулот бера бошлади. 23 километр масофадаги маҳаллага табиий газ ўтказдик. Янги мактаб, ҳаммом қуришга бел боғлаб турибмиз.

— Бу ишларга маблағни қаёқдан оласиз?

— Фақат пахтанинг ўзидан 6 миллион сўмдан зиёд даромад келади. Худога шукр, халқимиз меҳнаткаш. Турмушни қанча яхшиласак, шунча одамларнинг кўнгли кўтарилади, қаттиқроқ ишлайди. Хўжалигимизга меҳнати сингган оқсоқолларни, ёрдамга муҳтож оилаларни ҳар ойда йўқлаб борамиз. Топганимизни бирга баҳам кўрамиз. Бундан ташқари, хўжаликнинг «Уста пахтакор», «Уста сувчи», «Уста механизатор» деган совринлари бор. Бу совринга сазовор бўлган киши соғин сигирни етаклаб кетаверади. Яқинда Ҳамиджон Сотқинов билан Ҳамидулла Убайдуллаевлар мавсум якунига кўра шу қувончга мушарраф бўлишди....

— Ишласа бўлар экан-ку? ! — дедик биз туман ҳокимига юзланиб. Мўйдинхўжа Аҳмадхўжаев худди ўзи ҳақида гап кетаётгандай димоғи чоғ бўлиб, деди:

— Бу йигитни раисликка ўтказгунча 3 кун овора бўлганман, — деди.

— Нима деб ўйлайсиз, туманда ҳам ишни шундай ташкил этиш мумкинми?

— Мана кўрасиз, келаси йил ишни зўр қиламиз! Вилоятда мактаб ўқитувчилари ва ишчилар ҳаракатини ташкиллаштирсак, ишимиз ўнгланиб кетади. Ҳаммамиз ҳаракатчанмиз. Ҳаракатчан одамлар ҳеч нарсадан ҳадиксирамайдилар. Ҳеч нарсадан ҳадиксирамаслик керак. Ҳеч нарсадан ҳадиксирамаслик керак. Ҳеч нарсадан ҳадиксирамаслик керак

СИЁСИЙ ИҚЛИМ

«Интернет» ахборот тизимининг хабарига кўра, 27 октябрь куни Ширкент чўққисида, Турсунзода шаҳридан 12 километр узоқликда Тожикистон чегарачилари ва президент гвардиясининг пости ўққа тутилди. Натижада бир ҳарбий хизматчи ҳалок бўлди, саккиз киши жароҳатланди. Тожикистон бирлашган мухолифати қуролли кучлари штабининг бошлиғи Давлат Усмон ушбу ҳужумни қоралади. Унинг фикрича, ҳукумат ана шундай муаммоларни тезроқ бартараф этиши керак.

* * *

Яқин Шарқ мамлакатлари бўйлаб сафарда юрган Россия ташқи ишлар вазири Евгений Примаков Сурия пойтахти Дамашқа келди. У Сурия президенти Ҳофиз Асад ва ташқи ишлар вазири Фаррух аш-Шараа билан музокаралар олиб борди.

* * *

Доғистон хавфсизлик кенгаши котиби Магомет Толбоев Доғистон ва Чеченистон чегарасида юз бераётган вазиятга баҳо берди. Айниқса Имом Шомилнинг 200 йиллиги муносабати билан кўплаб меҳмонлар мамлакатга келди. Маълумки, 25 октябрь куни Имом Шомилнинг юбилейи нишонланди. Чеченлар эса юбилейга келаётиб қуролларини чегарада қолдириб келишга мажбур бўлишди.

ХОРИЖ МАТБУОТИ ЁЗАДИ

Армияларнинг қуролсизланиши фуқароларнинг қуролланишига сабаб бўлиши мумкин. Бу ҳақда «Ассошиэйтед Пресс» агентлиги хабар қилади. Экспертларнинг тадқиқотларига кўра, армияларнинг қисқариб бориши натижасида қурол-яроқлар жиноятчилар ва оддий фуқароларнинг қўлига тушиб қоларкан. Ўз-ўзидан бу қуроллар ҳар куни ишга тушади. Масалан Сальвадорда фуқаролик жанжалларини ҳал қилиш учун қўл гранаталаридан фойдаланилади. Кенияда эса чўпонлар автоматлар ёрдамида ўзаро муносабатларни аниқлаб олишар экан. Бироқ энг кўп қурол-яроғ Америка Қўшма Штатлари фуқаролари қўлида турибди. Экспертларнинг маълумотига кўра АҚШ фуқаролари қўлида айни пайтда 200-250 миллион дона қурол бор.

***

«Франс Пресс» матбуот агентлигининг хабарига кўра, Британиянинг «Виккерс» фирмаси ўзига тегишли «Роллс-Ройс-Мотор Карз» компаниясини сотишга қарор қилди. Маълумки, ушбу компания «Роллс-Ройс» ва «Бентли» автомашиналарини ишлаб чиқариш бўйича жаҳонга танилган. Ушбу компанияни БМВ компанияси сотиб олса керак, деган фиқрлар юрибди.

СЎЛИМ ГЎША

Эътироф

Пойтахтимиз Тошкентда бир қатор хорижий давлатларнинг савдо ваколатхоналари фаолият кўрсатиб турибди. Улардан бири — Польша Республикасининг Ўзбекистондаги савдо ваколатхонаси раҳбари Анджей Краснодемский билан ўзбек-поляк савдо-иқтисодий ҳамкорлиги қирралари борасида суҳбатлашдик.

— Жаноб, Ўзбекистон билан Польшанинг савдо-иқтисодий ҳамкорлиги масалалари хусусида сўзлаб берсангиз.

— Айтишим керакки, Ўзбекистон ва Польша иқтисодиётининг кўпгина соҳаларида муваффақиятли ҳамкорлик қилиб келмоқдалар. Энг муҳими, икки давлат ўртасида мустаҳкам дўстлик ва ўзаро ишонч мавжуд. Бу турли соҳаларда самарали ҳамкорлик қилишимизга яхши замин яратмоқда. Маълумки, Польша Ўзбекистондан кўпгина хом ашё турларини харид қилади. Аммо энг кўп сотиб оладиган хом ашёмиз пахтадир. Биз ўзбек пахтасини сотиб олиш бўйича жаҳонда Корея, АҚШ, Германиядан кейин тўртинчи ўринда турамиз. Шунингдек, Ўзбекистон иқтисодиётига сармоя сарфлаш борасида ҳам етакчи ўринлардан бирини эгаллаймиз. Яъни бу соҳада Польша олтинчи ўринда туради. Бу биз учун жуда фахрлидир. Бундан ташқари, икки мамлакат ўртасидаги савдо-сотиқ ҳажмининг тобора ортиб бораётганини катта қувонч билан айтишим керак. Жумладан, 1997 йилнинг дастлабки тўққиз ойида Ўзбекистон ва Польша ўртасидаги маҳсулот айирбошлаш ҳажми 110 миллион доллардан ошиб кетди. Бу ҳам икки ўртада катта ишонч ва ўзаро манфаатдорлик борлигидан далолат беради. Бундан ташқари, мамлакатларимиз ишбилармонларининг ҳамкорлигини алоҳида таъкидлаб ўтиш жоиз. Икки ўртада кўпгина қўшма корхоналар ишлаб турибди. Бир қатор Польша фирма ва компаниялари Тошкентда, Наманганда, Фарғонада ўз ваколатхоналарини, корхоналарини очган. Жумладан, Ўзбекистонда Польшанинг «Будимекс», «Ширковиц», «Вифама», «Полимекс», «Пезетел», «Электрин» каби фирма ва компаниялари самарали фаолият кўрсатмоқда. Бу фирмалар қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш, қурилиш материаллари, уй жиҳозлари, кимё маҳсулотлари, турли технологиялар ишлаб чиқаришга ихтисослашган. Ана шу ишлаб чиқариш соҳалари бўйича олиб бораётган ҳамкорлигимиз жуда муваффақиятли давом этмоқда. Аминманки, келгусида бу борадаги ютуқларимиз янада ортади.

— Мамлакатларимиз ўртасидаги савдо-иқтисодий муносабатларни янада ривожлантириш мақсадида Польша савдо ваколатхонаси томонидан қандай тадбирлар ишлаб чиқилмоқда?

— Аввало, Ўзбекистон ва Польша ўртасидаги иқтисодий ҳамкорлик қирраларини янада кенгайтириш йўлида кўп ишлар қилмоқдамиз. Биз бу ерга муносабатларни ривожлантириш учун келганмиз, бизнинг мақсадимиз — ҳамкорлик. Шундай экан, иқтисодий ҳамкорлик қирраларини кўпайтириш биз учун жуда муҳим.

Хайрулло НУРИДДИНОВ суҳбатлашди.

ЎЗБЕК ТИЛИДА ЯНГИ УСЛУБДАГИ ДАРСЛИК

Яқинда Ўзбек-Турк лицейлари бош мудирлиги томонидан ўзбек-турк олимларининг ҳамкорлигида тайёрланиб, чоп эттирилган «Чет элликлар учун ўзбек тили» (муаллифлар: Абдурозиқ Рафиев, Тунжай Ўзтурк, Дилдора Нуриддинова, муҳаррирлар: А. Рафиев, Ж. Худойбердиев) дарслигининг биринчи жилдини муҳим ишлардан бири сифатида эътироф этиш лозим.

Маълумки, ҳозиргача чет эллик ёки ўзбек бўлмаган шахслар учун мўлжалланган ўзбек тили дарсликлари рус тилида яратилган қўлланмалар андозасида тузиларди. Уларнинг баъзиларида тил ўрганувчи учун зарур бўлмаган назарий маълумотлар кўпроқ бўлса, баъзиларида сўз танлаш ва гап қурилиши сингари масалаларнинг изчил тизими яхши ишлаб чиқилмаган эди. Улардан фарқли ўлароқ, «Чет элликлар учун ўзбек тили» дарслиги жаҳон тажрибасида синалган қисқа муддатда тил ўрганишнинг яна ҳам замонавий методлари асосида яратилган.

Дарсликнинг ташқи кўринишиёқ ҳар қандай хорижликни ўзига мафтун қилади. Чиройли ишланган муқовада Самарқанд, Бухоро, Хива, Тошкент шаҳарларидаги қадимий ёдгорликлар расми акс эттирилган. Китоб саҳифалари Ўзбекистон Республикаси байроғининг рангли тасвири, Ўзбекистон Давлат мадҳияси матни ёзилган саҳифа билан бошланади. Шунингдек, ўзбек тили Ўзбекистоннинг расмий давлат тили эканлигига оид Конституция моддаси, ўзбек тилини юксакликка кўтарган Алишер Навоийнинг ҳикматли сўзи ҳамда ўзбек тилини янги шароитда ривожлантиришга бош-қош бўлаётган Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовнинг «Халқнинг миллий маданияти ва ўзига хослигини ифода этувчи восита бўлмиш ўзбек тилини ривожлантириш, бу тилнинг давлат мақомини изчил ва тўлиқ рўёбга чиқариш лозим», деган дастуруламал сўзлари бор.

«Чет элликлар учун ўзбек тили» дарслиги янги лотинча ўзбек алифбосида ёзилган. Бу, бир томондан, ўзбек тилини мустамлака кишанларидан мутлақо озод бўлганини билдирса, иккинчи томондан, ўзбек тилини ўрганувчи хорижлик учун катта қулайлик туғдиради. Яна шуниси эътиборлики, китоб матнлари асосида тайёрланган аудио кассеталар тил ўрганувчи учун ўзбекча талаффуз кўникмаларини ҳосил қилишда катта ёрдам беради, мустақил шуғулланишга имконият яратади.

Ушбу дарслик Ўзбек-Турк лицейларида инглиз, турк тиллари ўқитишда тўпланган замонавий ва бой тажрибанинг самараси сифатида майдонга келган. Дарсликнинг кейинги жилдлари ҳам нашрга тайёрланаяпти.

Жўра ХУДОЙБЕРДИЕВ.

Жаҳон адабиёти

СЕВДИМ ДЎСТИМ ДЕСА КИМДА-КИМ

Болқор халқ шоири Қайсин Қулиев халқимизнинг катта дўсти, диёримиз, адабиётимиз мухлиси эди. У юртимизда ўтказиладиган халқаро маданий тадбирларда мунтазам равишда қатнашарди. Чунки Қайсин Қулиев халқимизнинг маданий меросини чуқур қадрларди.

— Самарқандни, халқ даҳоси яратган меъморчилик дурдоналарини томоша қилар эканман, бир нарсадан ҳижолат бўлдим ва ўкиндим, — деган эди у илк бор қадимий шаҳримизни кўриб қайтгандан сўнг. — Дунёда олтмиш йилча яшаган туркий тилда ёзувчи шоир ҳалигача Самарқандни кўрмаган бўлса, кечириш мумкинми, ахир. Йўқ. Регистон майдони, Гўри Амир, Шоҳизинда, Бибихоним масжиди каби санъат ва меъморчилик обидалари қайси мамлакатда бор? Мен Тожмаҳални, Қизил Фротни кўрганман, дунёдаги бошқа машҳур архитектура ёдгорликларини томоша қилганман. Лекин Самарқанддаги обидалар ҳаммасидан зиёда.

У адабиётимизни ҳамма жойда ибрат намунаси сифатида тарғиб этарди.

— Ўзбек шеърияти — жаҳон аҳамиятига молик шеърият. Улуғ Алишер Навоий ижоди фикримнинг ёрқин исботидир, — деган эди Қайсин ога бир учрашувда.

Таниқли болқор шоири адибларимиз билан мустаҳкам дўстлик алоқаларини ўрнатганди. Улар турли авлодга мансуб: Зулфия, Шукрулло, Абдулла Орипов... Бу дўстлик унинг ижодига ҳам кўчганди. «Зулфияхонимга» шеърининг шуҳрати ярим оламга кетган десак муболаға эмас.

Элни суйган элда азиз, деб бежиз айтилмаган. Шоирларимиз Қайсин Қулиевнинг шеърларини ўзбек тилига суйиб таржима қилишади. Нозиктаъб шоирнинг «Гул ва ханжар» ҳамда «Кўзларингни севаман» номли китоблари ўзбек тилида босмадан чиққан. Бундан ташқари, вақтли матбуотимизда унинг ижоди кейинги 30 йил ичида узлуксиз ёритилмоқда.

Кавказ ортидаги Кабардин-Болқор Мухтор Республикасининг Чегем туманида 1917 йил 1 ноябрда туғилган ва бутун умр шу ўлкада ижод қилган Қайсин Қулиев нега ўзбек халқи учун ҳам қадрли? Чунки у элини, Ватанни, дўстликни, табиатни, муҳаббатни куйлаб ўтди. Замонлар, сиёсатлар ўзгарди, лекин у ижодида собит қолди.

Қайсин Қулиевнинг биринчи китоби «Ассалом тонг» номи остида 1940 йили болқор тилида босмадан чиққан. Унинг рус тилида 50 дан ортиқ номда китоби нашр этилган. Умуман олганда шоирнинг шеърлари 100 дан зиёд тилга таржима қилиниб, жумлаи жаҳонга тарқалган.

Шу ўринда Қалмиғистон халқ шоири Давид Кугулдиновнинг Қайсин Қулиев 60 йиллик тўйида сўзлаган нутқидан парча келтиришимиз жоиздир.

— Мен яқинда Японияда бўлиб қайтдим, — деган эди у ўшанда. — Кунчиқар мамлакатда менга «Чумилади аёл дарёда» шеърини ёзган шоир мамлакатидан келган меҳмон сифатида катта иззат-икром кўрсатишди. Улар шоир ҳамон ажиб донишмандлик ва нозик дид билан оналар, инсон гўзаллиги тўғрисида шеърлар ёзаётганига умид билдиришди ва япониялик аёллар «Чумилади аёл дарёда» шеъри муаллифига қизғин саломлар етказишимни сўрашди, гулдасталар беришди...

Таниқли рус шоири Михаил Дудиннинг шу шеър ҳақидаги фикри ҳам қимматлидир:

— Бу шеърда Ренуарнинг ҳам, Кустодиев, Боттичелли ва Рубенснинг ҳам ранглари қандайдир янгича товланган, ҳаёт гўзалликлари бус-бутун мужассамлашган, олижаноблик ҳам турмуш ташвишлари чақнайди.

Ҳа, Қайсин Қулиевнинг биргина шу шеъри миллионлаб мухлислар қалбини забт этган. Унинг жаҳон шеърияти дурдонасидан ўрин олган шундай мумтоз шеърлари, ўнлаб, юзлаб десак муболаға эмас.

— Шеърият икки карра кучлидир, агар у ижодкорнинг шахсий намунаси билан мустаҳкамланган ва юрак қони билан суғорилган бўлса, — деган эди Қайсин Қулиев, — шоир она-Ватани учун оғир дамларда ҳамиша олдинги сафларда бўлиши керак. Қўрқоқлик ва лоқайдлик шоирларга ёт хислатдир.

У ўзи таъкидлагандай, ҳамиша халқ томонда туриб ижод қилди. Шу боис унинг шеърлари халққа қуёш нуридай, соф ҳаводай, тиниқ сувдай, иссиқ нондай азиздир.

Она тилни куйлаш оғир оқибатларга олиб келиши мумкин бўлган замонда Қайсин Қулиев она тил тўғрисида бебаҳо шеърлар ёзди, она тилини фаол ҳимоя қилди, собиқ иттифоқда барча тилларнинг тенг ҳуқуқли асосда ривожлантириш ҳақида қайғурди.

— Ҳозир тил ҳақида гапирганлар билиб қўйсинлар, — деган эди тилшуносларнинг 60-йилларда бўлган йирик анжуманида. — Ватан учун ҳалок бўлган қаҳрамонлар сўнгги бор она тилида «Озодлик» дея ҳайқирганлар. Бу нафақат китобий гаплар, балки, ботирларнинг қони билан ювилган ҳаёт фалсафаси, аччиқ ҳақиқатдир. Айримлар «кам сонли халқларнинг тиллари ўлади», деб гап тарқатаётганидан хабардорман. Буни одамлар эмас, ҳаётнинг ўзи ҳал қилади. Она тил ҳар биримиз учун қадрдон тупроқ ва меҳрибон онамиз нафаси. Қўшиқларимиз, эртакларимиз, уйимиз, отамаконимиз каби биз учун бебаҳодир.

Йиллар ўтаверади... Лекин Қайсин Қулиевнинг Ватан, миллат, Озодлик, она тил, табиат ва муҳаббат ҳақидаги дилбар шеърлари мухлисларнинг янги авлодида ҳам ҳавас уйготаверади. Чунки шоирнинг шеърлари ўзининг таъбири билан айтганда, «юрак қони билан суғорилган» ашъорлардир. Юрак қони билан суғорилган асарлар эса мангу яшайди.

ЧЎМИЛАДИ АЁЛ ДАРЁДА

Чўмилади аёл дарёда,
Қотиб қолган қуёш самода.

Олтин қўлин оҳиста ташлаб,
Унинг кифтин силар авайлаб.

Бошин эгиб турар мажнунтол,
Сувда қалқиб соялар беҳол.

Майсалар жим турар ўтлоқда,
Тоғлар жиққа ҳўлдир қирғоқда.

Сузиб борар дарёда гўзал,
Ер юзида йўқдай шум ажал.

Йўқдай офат, йўқдай бўрон, қиш,
Йўқдай зиндон, йўқдай ғам-ташвиш.

Гўё, уруш йиттан дунёда...
Чўмилади аёл дарёда.

***

Тор жойда дарёга хос тутён:
— Озодлик, Озодлик, Озодлик!
Тун бўйи уммонда ғалаён:
— Озодлик, Озодлик, Озодлик!
Осмонда қалдирғоч қуйлайди:
— Озодлик, Озодлик, Озодлик!

Чегемда чинорлар гуллайди:
— Озодлик, Озодлик, Озодлик!
Оқ туман адирни қоплади:
— Озодлик, Озодлик, Озодлик!

Беташвиш болакай чопади:
— Озодлик, Озодлик, Озодлик!
Ўчоқда қоқ ўтин чарсиллар:
— Озодлик, Озодлик, Озодлик!
Аввалдек лайлак қор лопиллар:
— Озодлик, Озодлик, Озодлик!
Ўтмишдан келади дараклар:
— Озодлик, Озодлик, Озодлик!
Менга ҳам дармон шу тилаклар:
— Озодлик, Озодлик, Озодлик!

ЯРАДОР ТОШ

Жанг олови тоққа ўрлаган замон,
Даҳшати тошга ҳам етказди озор.
У донг қотди, қуйди, бўлди ярадор...
Тошда ўқлар изи битмаган ҳамон.

Ўша қунлар ўт ва ўқ тўфонида,
Тоғдаги сўқмоқ йўл этилди тилка.

Ўлимга тик боққан ботир ёнида,
Шу метин тош турди елкама-елка.

О, юртим тошлари!
Ваҳм солиб ёвга,
Биз бирга доғ бердик оғир синовга.
Бироқ яралади бизни битта ўқ,
Бағримизни ёқди битта лахча чўғ.

***

Инсон бўлиб келдим жаҳонга,
Ўзгалардан на ошиқ, на кам.
Ўт ва сувни шеъру достонга,
Баб-баравар киритдим ҳар дам.

Ўзни совуқ дарёга отдим,
Тинглаб қуш ва бўрон товушини.
Казбекда ҳам ҳурмат уйғотдим,
У силкитди мағрур бошини.

Одамларга бахшида этдим,
Юрак қўрим синтан ашъорни.
Ўз ўрнида қадрига етдим,
Лолазору чакалакзорни.

Севдим, «дўстим» деса кимда-ким,
Севдим, метин қоя, майсани.
Ижозат бер эркам, малагим,
Қўлларингни ўпиб суйгани...

Мақола муаллифи ва таржимон Асрор МЎМИН.

19,7 КИЛОЛИК ТАНГА

Бу турфа олам

Энг катта металл пуллар бундан уч юз йил муқаддам Швециянинг Авест шаҳрида Кристина қироллиги даврида (1632 — 1654) пайдо бўлган. Ўшанда бу пуллар тўғри тўртбурчак шаклида мисдан ясалган бўлиб, бир танганинг оғирлиги 19,7 кило чиқарди.

Бундан ташқари митти пуллар ҳам ўша пайтда муомалада бўлган. Масалан, XIII — XIV асрларда Германиянинг Померани, Бранденбург ва Мекленбург шаҳарларида «сўфитўрғай кўзи» деб номланган пуллар билан олди-берди қилинган. Бу пуллар кумушдан ясалган. Оғирлиги атиги 0,26 грамм.

ҚЎЛҚОП ДОИМ РУСУМДА

Қўлга қўлқоп кийиш азалий одатлардан. У қадимги форсликларда ва римликларда «мода» бўлгани тарихдан маълум. Ҳатто Гомернинг «Одиссея»сида ҳам эсланадики, ундаги қаҳрамонлардан бири боғда қўлқоп билан ишлайди.

Қадимда қўлқоплар фақат майин теридан тикилган. Бундай қўлқоплар илк бор Францияда урф бўлган. Кейинчалик бу ерда шойидан тўқилганлари ҳам пайдо бўлган. XIII асрда аёллар қўлқопларни зеб-зийнат сифатида кийишган. Бу пайтга келиб у газламадан узун, яъни тирсаккача етадиган қилиб тайёрланган.

Йиллар ўтиб қиролича Елизавета қимматбаҳо тошлар билан безатилган қўлқопни модага киритди.

Бугунги кунда эса қўлқопларнинг турли-тумани мавжуд.



МАНЗАРА.

МОЦАРТ КЎЧИРМАЧИ...МИ?

Ҳа, айрим асарларини ёзишда кўчирмакашлик қилган, дейишмоқда брюсселлик экспертлар. Уларнинг айтишича, бугунги кунда буюк симфония, дея қаралаётган Моцартнинг бир талай асарлари аслида унутилиб кетган италиялик композитор Паскуал Анфоссининг ижодидан намуналар экан. Масалан, ғарб мусиқашуносларининг тасдиқлашларича, Моцартнинг машҳур мотам куйи Анфоссининг ўн олтинчи йилларда ёзган «Венеция симфонияси»нинг нақ ўзи экан. Экспертлар бунга яқинда Неапол архивидан топилган Анфоссининг қўлёзмасини асос қилиб кўрсатишмоқда.

Маълум бўлишича, Анфосси ўз даврининг етук мусиқашуноси бўлган. У 70 дан ортиқ опера ёзган.

Моцартнинг «Дон Жуан», «Сеҳрли най», «Фигаро тўйи» каби дурдоналарининг айрим нотолари Анфоссидан кўчирилганлиги ҳам қайд этилмоқда.

АРМОНИ

оталари роса мақтар экан, биз синглим билан ўн-ўн беш боғ олиб келсам ҳам номига «раҳмат қизларим, яшанглар» деб қўймайсиз-а?» — деди норози бўлгандай. Отам индамади. Шошмасдан косадаги овқатини ичиб бўлди. Бир томоқ қириб олди-да, босиқлик билан дона-дона қилиб: «Қизим, шу уйда овқат ееяпсанми, кийим кияпсанми, сут ичяпсанми? Шундай экан ўзинг, опа-укаларинг учун қиляпсан меҳнатни, нега мен раҳмат дейишим керак. Сен иш қилсанг, бировдан илинж кутма, бу ёмон одат, ҳамма нарсани ўйлаб қилиш керак», деди. Опам отамнинг гапидан хафа бўлмади. Чунки у ҳақ эди.

Отам гарчанд камдан-кам ҳолларда танбеҳ бериб, насиҳат қилса-да, юриш-туриши, онамга бўлган муносабатидан биз ўзимизга керакли тарбияни олардик. Улғайганимизда табиатимизда онамдан кўра отамга хос бўлган фазилатлар кўпроқ бўлди. Кейинчалик отам қаттиққўл оила бошлиғидан энг яқин маслаҳатгўй, тўғри йўл кўрсатувчи устозга айланди. Биз ҳар бир ишга қўл уришдан аввал унинг олдидан ўтардик. Нафақат биз, балки қуни-қўшнилар, маҳалладошлар ҳам отамдан йўл-йўрик, маслаҳат сўрашарди. Улар ўртасида отамнинг сўзи-сўз, гапи- гап эди.

Қадимдан ота бизда энг муқаддас инсон саналади. «Ота рози — худо рози», «Отанга тик қарама, охиратинг қуйиб кетади» деган мақоллар бор халқ орасида. Бундан кўринадики, ота жуда улуғ зот, уни норози қилиш, ранжитиш ярамайди.

Бироқ кейинги пайтларда отага берилган энг сара таърифлар ўз аҳамиятини йўқотаётгандек, назаримда. Оилада унинг ўрни бир мунча пасайган. Ўтган тузум бизга мерос қолдирган эркак ва аёл ҳуқуқининг тенглиги, оиладаги ўзаро ҳурмат, эркакнинг юқорироқ туриши, қадимги удумларимизни маълум даражада четга суриб қўйди. Ўз ҳақ-ҳуқуқини яхши билган она фарзандлар олдида керагича ота билан баҳслашди, тортишди. Натижада, фарзандларда ҳам шартакилик, гап қайтариш, ота хатти-ҳаракатларини муҳокама қилиш, кези келганда дашном бериш ҳоллари ҳам пайдо бўлди. Бу ҳам камлик қилгандек, отасини ҳақоратлайдиган, ҳатто қўл кўтаришгача бориб етадиган ноқобил фарзандлар ҳам чиқиб қолди.

— Дадамнинг ичишини кўриб, у тугул эркак зотидан кўнглим қолиб кетди, — дейди юқори синфда ўқиётган ўқувчи қизлардан бири норози бўлиб, — дугоналаримнинг кийган кийимларини кўрсангиз, ҳар куни ҳар хил қиммат кийимлар кийиб келишади. Мен бўлса бир хил. Дадамнинг топган пули рўзғору ароқдан ортмайди. Жаҳлим чиқиб кеча қуйлагини ювмадим. Рост-да, ота бўлгандан кейин хоҳлаган кийимингни олиб бериши керак-да.

Наҳотки, отасининг қадру қиммати, унга бўлган меҳр-муҳаббати ҳаммадан қоладиган қандайдир кийимлар, буюмлар билан ўлчанса? Афсуски, ҳаётда бундайлар жуда кўп. Отасининг бойлиги учун ҳурмат қиладиган, гердаядиган, камбағал бўлса хор-зор қилиб, хўрлайдиган, уйидан қувадиган қўрнамаклар ҳам бор орамизда.

Яна отамни эслайман. Оилада кўпчилик бўлганимиз учун отам билан онамнинг тоғпаги етмасди. Отам ора-сирада чойхонада ўртоқлари билан ошхўрлик ҳам қилиб туришарди. Оддий миробнинг ойлиги ўз-ўзидан ҳеч нарса бўлмасди. Биз— опа-сингил, ака-укалар бир-биримизнинг кийимларимизни кийиб катта бўлдик. Юқори синфга ўтганимизда тикиш, тўқиш каби ҳунарларни ўрганиб, оилага моддий томондан ёрдамлашиб, ўзимизнинг уст-бошимизни ҳам қиладиган бўлдик. Ҳеч кимдан кам эмасдик. Отам менга ҳаётимда бир марта совға қилган. У ҳам 6 синфда ўқиётганимда туғилган кунимга қўйлаклик мато олиб келган, онам эса шу куниёқ тикиб эгнимга кийгизиб қўйганди. Ўша кўйлакни жуда яхши кўрардим. Ўқишни битириб отамга маошимдан кўйлакми, жемферми олиб борсам ёки бирор камзулми, пайпоқми тўқиб берсам яхши кўриб қўймай киярди. Мен эса нима биландир уларни кўнглини олгим келарди, шу билан ўзимнинг чуқур ҳурматим, муҳаббатимни, садоқатимни тортиқ этгандай бўлардим. Бизга ҳаёт бахш этган, тарбиялаб вояга етказган ота-онамизга қанчалик меҳр-муҳаббат кўрсатмайлик барибир уларнинг олдида қарздормиз.

Муқаддас китобларда, улуғ аломаларимизнинг ҳикматларида фарзанд ўз падари бузрукворининг қандай бўлишидан қатъи назар ҳурмат қилиши, фақат ўзи муҳаббат қўйган нарсани унга ҳам раво кўриши лозимлиги, отанинг тутган йўли, қилган ишини фарзанд ҳеч қачон муҳокама қилмаслиги ва унга сўзсиз итоат этиши, хулоса ва ҳукмни эса ёлгиз Яратганнинг ўзи чиқариши ҳақида сўз боради. Шу ўринда ойнаи жаҳон орқали таниқли санъаткор Лутфулла Саъдуллаевнинг «Ривоят» кўрсатувида ҳикоя қилинган чўчқа боққан одам ривоятини эслатиб ўтиш жоиздир. Унда айтилишича, бир қассоб йигит уйида чўчқа боқар, уни ҳар куни ювиб-тараб, тоза сочиқлар билан артиб, гўшт бериб, парвариш қиларди. Буни билиб қолган айғоқчилар қассоб йигитни дуппослаб, сазойига мачитга олиб чиқадилар. Бир муйсафид чол қассобни беаёв калтаклаётган оломонни тўхтатиб, нима учун бундай қилганини сўрайди. Шунда йигит уйида сақлаётган чўчқа ўз отаси эканлигини, ёмон қилмишлари учун Оллоҳ уни лаънатлаб шу махлуқ қиёфасига киргизиб қўйганлигини, гарчанд қарғишга учраган бўлса ҳам отаси эканлигини, у ўз фарзандлик бурчини утаганлигини айтади.

Ривоятда жуда катта, кўпчиликка ибрат бўладиган тарбиявий маъно бор. Отани улуғлаганни эл улуғлайди.

Ҳаёт ҳақиқатлари

Кўча-кўйда, халққа қилинган эзгу ишларнинг савоби отага тегади. Ҳатто улар оламдан ўтиб кетишса ҳам, «фалончи раҳматли ҳам шундай одам эди, фарзанди отасига тортибди» деган гаплар инсон учун юксак баҳо, катта эҳтиром эмасми?

Дарҳақиқат, оталарга муносиб фарзанд бўлиш улар учун энг катта мукофот. Ҳар бир қилган хайрли ишимиздан бу улуғ зотларнинг кўксилари тоғдай кўтарилади. Ёмон номдан, диллари вайрон, кўнгиллари ўксик бўлади. Шундай ҳолларда ҳам улар ҳамиша фарзандларига яхшилик, фақат яхшиликни раво кўришади.

Ҳар гал уйга, Қўқонга борганимда, отам дастурхон устида фотиҳага қўл очиб узоқ дуо қилганида, беихтиёр кўзларимдан ёш чиқиб кетарди. Шундай отам борлиги учун Яратганга қайта-қайта шукроналар айтардим. Отамнинг ана шу дуолари мени узоқ юртларда ҳар қандай бало-қазолардан асрарди. Нимага эришсам, мақсадларим амалга ошса, буларнинг ҳаммасига отам дуоларининг ижобат бўлганлиги деб билардим. Аслида ҳам шундай-да, бизнинг ютуқларимиз оқ фотиҳа тилаб қузатган меҳрибонларимизнинг оқ ниятларидир.

Дилимни яна армон аталмиш аламли оғриқ эгаллайди. Насиб бўлмаган сўнгги дийдорлашиш. Неғадир отамнинг бу оламда йўқлигига ўзимни ишонтиролмайман. Уйга борганимда ҳам худди у ҳозир чорбоғ этагидан томоқ қириб келаётгандай бўлавераді. Отам қурган уй, эккан дарахтлар менга унинг тириклигидан сўзлайди. Отам тирик, у ҳамиша менинг юрагимда яшайди.

Оталар... олийжаноб, оқил, меҳрибон оталар... Уйимизнинг кўрки, хонадонимиз посбони, оиламиз шамчироғи. Улар фарзандлар йўлларини ёритади, дилларга эзгулик, яхшилик нурларини олиб киради. Отам руҳига, ўтган оталар руҳига тиловат қилар эканман, Яратгандан ҳеч бир хонадонда ана шу шамчироқ бевақт учмаслигини, фарзандларга сўнгги дийдор армон бўлмаслигини сўрайман.

Назира ҚУРБОН қизи.

Назира ҚУРБОН қизи-адиба, журналист. ТошДУ журналистика факультетини тугатган. Ҳозирда Тошкент Давлат иқтисодиёт университети қошидаги бизнес ходимларини қайта тайёрлаш, малакасини ошириш институтининг катта ўқитувчиси. Илмий ходим.

O'ZBEKISTON OVOZI

O'zbekiston Xalq demokratik partiyasi gazetasi

1997-yil 30 oktabr, payshanba № 127 (22.211).

Gazeta 1918- yil 21-iyundan chiqa boshlagan

Vatanni sevmak iymondandur!

МАЙДОН ЧЕТИДАГИ «ЎЙИН»

у футболчиларимизни Францияга олиб борадиган йўлдан адаштирмадимикан?

Аслида танқиддан осони йўқ. Ютганда-ку осмонга чиқариб қўйиб мақтардингиз, дейишингиз мумкин. Тўғри. Афсуски, Ўзбекистон миллий терма жамоаси аъзолари миллионлаб футбол ишқибозларининг умидини пучга чиқарди.

Омад, деган гап бор. Ҳақиқатдан ҳам футболчиларимиздан омад юз ўгирдимикан? Саволни бу тарзда қўйиш назаримизда унчалик тўғри эмас. Майдонда мардларча, чиройли ўйин кўрсатиб бой бериш бошқаю, пала-партиш, вазиятни тўғри баҳоламай ҳаракат қилиш, техник ва жисмоний тайёргарлиги суст, унчалик мураккаб бўлмаган вазиятларда ҳам тўп ўтказиб юборишни омадсизликка йўйиш мутлақо нотўғридир.

Дастлаб японияликларга бой берганимизда ўзимизни юпатдик. Тошкентда ютамизку. Корея футболчиларига ютқаздик. Яна ўша гап: ҳали ўзимизда боплаймиз! Футболчиларимизнинг шундай жиддий мусобақага бўш тайёргарлик кўрганликлари Қозоғистон терма жамоаси майдонидаги ўйинда яна ҳам яққол кўзга ташланди. Кўпчилик «албатта ғалаба қиламиз» дейишганди. Зўрга дуранг бўлди. Шу учрашувдан кейин «эски тошойналар» эсимизга тушганди. Бироқ сабр қилдик. Катта умидлар билан Тошкентдаги биринчи ўйинга кўз тутдик. Терма жамоамиз устозлари ўтган учрашувлардан қандай хулоса чиқариб футболчиларимизни тайёрлаганликларини билмадигу, ишқибозлар Бирлашган Араб Амирликлари билан бўлган ўйинга байрам кайфиятида стадионга келишди. Шу куни мухлислар терма жамоамиз сафида майдонга тушган Миржалол Қосимов ва Шуҳрат Мақсудовларни кўриб кўнгиллари кўтарилганди. Футболчиларимиз ўйиннинг дастлабки дақиқаларидан ҳужумга асосий эътиборни қаратишди. Шквирин ва Мақсудов рақиб ҳимоячи ва дарвозобонини шошириб туришди. Ўзбекистонликларнинг ҳужумларидан бири ниҳоясига етди. Гол! Стадион ларзага келди. Кўп ўтмай БАА футболчилари ўз дарвозалари олдида кўпол ҳаракат билан ҳужумчимизни тўхтатиб қолди. Ҳакам 11 метрдан жарима тўпи тепиш кераклигини кўрсатди. Ким тепади?

1

Футбол

Қосимов Лебедевга қарайди. «Ўзинг тепавер»ишорасини қилди Лебедев. Ноилож қолган Қосимов тўпни тепади ва... Ҳисоб ўзгармади. Худди шу дақиқада терма жамоамиз устозларининг яна бир хатоси кўринди. Мураббий дегани ўйин пайтида бўлиши мумкин бўлган вазиятни ҳисобга олиб шогирдларига кўрсатма бермайдими? Қарийб бир йил ўйнамаган Қосимов 11 метрни мажбур бўлди ўзи тепишга. Назаримизда Лебедев ёки Мақсудов бажарса бўларди. Биринчи таймнинг охирларида майдондан Ш. Мақсудовнинг майдондан чиқариб юборилиши терма жамоамиз аъзолари ва мухлисларнинг кайфиятини туширди. Ўйин пайтида бақириб-чақириб юрган Саркисян футболчимизга босиқроқ бўлишини уқтирганида эҳтимол Мақсудов майдондан четлаштирилмасмиди? Иккинчи бўлимда ўн киши бўлиб ҳаракат қилган ўзбекистонликлар кетма-кет уч тўп ўтказиб юбордилар. Мураббийлар «кашфиёти» билан терма жамоамиз дарвозасини қўриқлаган «маҳоратли» Филиппов ишқибозлари «олқишини» олди ўша куни.

Ўзбекистонлик мураббийлар иккинчи таймда Февзи Давлетовни майдонга туширишди. Чемпионатимизда ўртамиёна ўйнаётган бу футболчи майдонга не мақсадда туширилди? Ҳайрон қоласан киши. Саркисян назаридаги Равшан Бозоров нима каромат кўрсатди? Бу саволга ҳам жавоб йўқ.

2

Кейинги учрашув Япония билан 1:1 ҳисобида якунланди. Мағлубиятга тенг дуранг. Кореялик футболчилар Тошкентда Францияга оқ фотиҳани олишди. 1:5?! Тошкентдаги сўнгги учрашувда қозоғистонликларни йирик ҳисобда ютган футболчиларимиз мухлислар кўнглини бироз бўлса-да кўтаришди. Хўш, футболчиларимизнинг жаҳон чемпионатининг саралаш учрашувларида бунчалик муваффақиятсиз қатнашишларининг сабаби нимада? Бизнинг-ча, миллий терма жамоамизга мураббийлар танлашда хатога йўл қўйилган. Эҳтимол, Р. Мирсодиқов ва Ю. Саркисян ўз жамоалари учун муносиб устоздир. Лекин мамлакат терма жамоаси тақдири, унинг обрўйи ҳақида гап бораркан, ҳар иккиси ўзларига ишониб топширилган масъулиятли вазифани уддалай олмаганликлари рост.

Саркисян мухбирларга берган интервьюсида бир неча марта талабга жавоб берадиган футболчилар йўқлигидан нолиганди. Хўш, оддий футбол мухлиси талабига ҳам жавоб беролмаган Равшан Бозоров, Февзи Давлетов, Равшан Маталиев ёки «қадами қутлуғ» дарвозабон Филиппов нега терма жамоа сафида майдонга тушди? Нима учун ишқибозлар назаридаги Шуҳрат Мақсудов, Азамат Абдураимовлар аввал бошданоқ майдонга туширилмади? Ёш ва иқтидорли футболчилардан Дилмурод ва Ёркин Назаровлар, Андрей Акопянц, Андрей Стрелцов, Саид Турсуновларни ишқибозлар нима сабабдан майдонда кўрмадилар. Агар улар терма жамоамиз сафида майдонга тушганларида жонини жабборга бериб ўйнамасмиди!

Қисқаси, футбол майдонидаги ўйинларни мухлислар кўрдилар ва қаттиқ ранжидилар. Миллий терма жамоамизнинг бу қадар бўш ўйин кўрсатганлигининг бизга қоронғу бўлган бошқа сабаблари бордир? Майдон четида қандай гап-сўзлару қанақа «ўйинлар» бўлгани бизга қоронғу.

Франциягa кетаётган «поезд»га кореяликлар эртарок «чипта» олишди. Афсуски, Ўзбекистон миллий футбол терма жамоаси аъзолари ана шу «поездга илина» олишмади. Бундан фақат ва фақат мухлислар жабр кўрадиган бўлишди.

Равшан ШОДИЕВ.

3

ҚУВАДА ТОПИЛГАН ТУРКИЙ ЁЗУВ

ФАРҒОНА. Қувада анчадан бери археологик қазишмалар олиб борилади. Бундай қазишмалар чоғида туркий — руник ёзуви акс эттирилган сопол парчаси топилди. Водийда кейинги 100 йил давомида 10 та ана шундай ёднома топилган эди. Қува шаҳристонидан топилган сопол парчасидаги ёзув эрамизнинг VIII асрига мансуб экан. Демак, Фарғона водийсида араб ёзуви кириб келган пайтда ҳам туркийдан воз кечилмаган. Шунингдек, икки уркачли туя тасвирланган муҳр қўпчиликни қизиқтирмоқда. Бу муҳр шаҳарнинг узига хос рамзи бўлиши мумкин. Айниқса, шиша буюмлар диққатга сазовор. Демак, Қувада X асрда шиша ишлаш саноати бўлган. Олимлар бундай топилмаларни ўрганишмоқда.

Алишер ИБОДИНОВ.

«МУЛОҚОТ» – МАЪРИФАТ САРЧАШМАСИ

Истиқлол халқимизнинг ҳар томонлама ривожланишига кенг йўл очиб берди. Мустақиллик эълон қилиниши билан халқимиз азалий удумларини, урф-одатларини, миллий қиёфасини тиклай бошлади. Янгича, мустақиллик мафкурасини яратиш бўйича кўламли ишлар бошланди. Бу сингари муҳим ишлар журнал ва газеталар олдига катта вазифалар қўйиши табиий, албатта. Мустақиллик эълон қилинган йилларда ташкил этилиб, шакллана бошлаган «Мулоқот» журнали ўзининг асосий йўналишини унутила бошлаган урф-одатларимизни тиклаш ва Мустақиллик мафкурасини яратишга қаратди. Журнал саҳифаларидан халқимизнинг буюк алломалари, билимда, ахлоқ-одобда, иймону мафкура оламида мактаб яратган улкан сиймолар ҳақида уларнинг ҳаётлари, илму аъмоллари ҳақида мунтазам мақолалар эълон қилиб келинмоқда. Бугунги кун муаммолари — таълим, тарбия, иқтисодиёт масалалари ва бошқа кўплаб мавзулардаги йирик мақола ва давра суҳбатлари «Мулоқот»нинг чинакам мустақиллик минбари бўлиб қолишига сабаб бўлди.

«Мулоқот» 1998 йилда ҳам шу каби ижтимоий, фалсафий, диний, маънавий, иқтисодий-сиёсий мавзуларни ёритишга асосий эътиборни қаратади. Янги йил сонларида, айниқса, «Муқаддас китоблар», «Табаррук шаҳарлар», «Маърифат булоқлари», «Шарқ алломалари», «Буюк мутасаввифлар» рукнларида мунтазам қизиқарли тадқиқотлар, илмий, тарихий мақолалар берилиб борилади. Улар орқали муштарийларимиз муҳаддислар, муфассирлар ҳаёти ва ижодига оид кўпгина янгиликлар билан танишадилар. Шунингдек, янги йил сонларимизда журналхонлар Жалолиддин Румийнинг «Маснавийи маънавий», Носир Хусравнинг «Сафарнома», Хожанинг «Гулзор», Жомийнинг «Рисалаи мавлавий» асарларидан намуналар ўқийдилар. Журналимизнинг бу йилги сонларида эълон қилина бошлаган Шарқ маърифатининг асосларидан сабоқ берувчи «Чор китоб»нинг давоми ҳам чоп этилади.

«Обуна — 98»

Журнал саҳифаларидан кўпгина муаллифларнинг бозор иқтисодиёти, тадбиркорлик, ҳалоллик, инсонга меҳр мавзуидаги публицистик мақолалари ўрин олади. Иқтисодий муаммолар ҳам журналнинг доимий мавзуларидан бири ҳисобланади. Иқтисодиётимизнинг турли долзарб муаммоларига бағишланган фикр-мулоҳазалари билан кўпгина йирик иқтисодиётчи олимларимиз муштарийларни баҳсга чорлайдилар.

Халқ демократик партиясининг марказий нашри «Мулоқот» журнали партия ҳаётини ёритишга ҳам катта эътибор билан қарамоқда. Саҳифаларимизда партиямизнинг жойлардаги раҳбарлари, ташкилотчилари ўзларининг қилаётган яратувчилик, халқимизнинг ўй-хаёллари, орзуларини рўёбга чиқариш борасидаги ишлари ҳақида ҳикоя қиладилар.

Журнал ўзининг «Мулоқот»га мактублар рукнида муштарийлардан келган, ҳаётимизнинг муҳим муаммоларини ўзида акс эттирган хатларни мунтазам босиб боради. «Мулоқот» дафинаси рукнининг ўз мухлислари бор. Янги йилдаги сонларда журналхонлар ажойиботлар оламидаги янгиликлар, фойдали маслаҳатлар ва ибратли воқеалар билан танишадилар. Журналда шоир ва ёзувчиларнинг янги шеър ва қизиқарли ҳикоялари, машҳур кишилар ҳақидаги эсдаликлар эълон қилинади. Зарварақларда қисқа ва таъсирчан, ғоят фойдали ва зарур ҳадислар, муқовада эса Шарқнинг буюк алломаларининг моҳир мусаввирларимиз яратган портретлари эълон қилиб борилади.

Хуллас, «Мулоқот» Сизнинг билим ва маънавий оламингизни бойитишда энг яқин кўмакдошингиз ва сирдошингиз бўлиб қолади. Унга албатта обуна бўлинг.

Сизга барча почта бўлимлари, матбуот тарқатиш идоралари яқиндан ёрдам беради. Индекс: якка обуначилар учун — 844, Ташкилотлар учун — 845.

ЮЗ БИЛАН ЮЗЛАШИБ

Гулистондаги Ғолиблар кўчасида катта тўй бўлиб ўтди. Тўйбоши — Уммат-қул ота Жўраев эдилар. У киши 9 фарзанд, 138 нафар невара-чевара бошини силаш бахтига муяссар бўлган. Отахоннинг 100 ёши билан маҳалла ва шаҳар жамоатчилиги қутлади. Юз билан юзлашган аср тенгдоши хайрли маросим баҳонасида яна бир набирани уйлантириб, чеваралари қўлини ҳалоллади.

Абдужалил УМАРОВ.

Бирга ўтган ҳар бир кунимиз Дўстлик ипин маҳкам боғлайди.

Ҳангома

СИГИРЛАР БИЛАН «КАРАТЭ» ТУШГАН АЁЛ

Автобусга Олой бозори бекатидан 45-50 ёшлардаги бозорчи аёллар чиқишди— ёшлар жой беришмаяпти. Шунда бир шўхроқ қария «Тур ўрнингдан, набирам тенги экансану 60 ёшар кампирга жой бермайсанми», — деди. Аёллардан яна бири икки оғиз гап қилганди, икки бола бир-бирига маъноли кўз уриштирди. Уларнинг каттароғи: «Кўп гапирманг, мана бу бола каратэга қатнашади, ҳозир сизни каратэ қилиб ташламасин», — деди. — «Нима, мен ҳам 30 йил фермада ишлаб моллар билан каратэ тушавериб, «опитим» ошиб кетган, туш ўртага» деб қолса бўладими. Уларнинг гапларини қизиқиб эшитиб турган йўловчилар кулиб юборишди. Шунда кичкина бола кўп гапирдингиз, ҳозир тушиб адамга айтиб бераман, деди.

«Нима, сен мени, эри йўқ деяпсанми, мен ҳам эримга айтиб бераман» - деди. Автобусдаги йўловчиларнинг ҳаммаси кампирнинг гапларидан қотиб-қотиб кулишди. Баъзи йўловчилар, чамамда, «рақиб»лар қайси бекатда тушаркан, деб кузатишаётганди.

Дилором БЕКМУРОДОВА.

«КАРВОН—97» ЙЎЛГА ЧИҚДИ

Бухоро, Самарқанд шаҳарлари бўйлаб «Карвон—97» экспедицияси пойтахтдан йўлга чиқди.

Экспедиция таркибидаги 14 нафар ўсмирлар республикамизнинг турли вилоятларидаги энг иқтидорли ёшлардир. Улар ўзларининг Ватанимиз ўтмиши, тарихи, жуғрофияси, қадимий маданияти, шунингдек, Ўрта ер денгизи, Япония ороллари ва яшовчи халқлар тарихидан мукаммал билимга эга эканликларини намойиш этдилар.

Ёш сайёҳлар бир ҳафта мобайнида Ипак йўли шаҳарлари бой тарихини янада чуқурроқ ўрганиш мақсадида йўлга отланишди.

Уларга саёҳат давомида «Робот Малик» сайёҳлар ассоциацияси, «Ўзбектуризм» миллий компанияси, «Бухоротурист» акционерлик жамияти, «Самарқанд» меҳмонхонаси ҳомийлик қилади.

Саида ЙЎЛДОШЕВА, «Ўзбекистон овози» мухбири.

МАЪЛУМОТ УЧУН ТЕЛЕФОНЛАР

ТОШКЕНТ	Тел.: 45 13 57
САМАРҚАНД	Тел.: 22 57 69
БУХОРО	Тел.: 22 89 98
АНДИЖОН	Тел.: 26 52 94
НАМАНГАН	Тел.: 6 42 61
МАРҒИЛОН	Тел.: 37 19 96
УРГАНЧ	Тел.: 556 75; 651 43

Тажрибали дистрибьюторлар таклиф этилади

Coca-Cola Bottlers Tashkent Ltd.

«АКАТЕКС ТЕКСТИЛЬ САНОАТ ВА ТИЖОРАТ ЛТД» ҚЎШМА КОРХОНАСИ

ПУЛ ЎТКАЗИШ ЙЎЛИ БИЛАН

ПОЛИПРОПИЛЕН УН ҚОПЛАРИНИ (50 кг) ва СЕЙФЛАРНИ СОТАДИ



Манзилгоҳ: Тошкент, Гоголь кўчаси, Марказ - 1, 38-уй, 187-хонадон.

Мўлжал: «Электроника» магазини,

Телефон: (3712) 133-40-07, 132-14-25, 132-14-34.

Ўзбекистон ХДП МК Котибияти партиянинг Олий Мажлисдаги фракцияси аъзоси **Замира ХОЛМАТОВА**нинг бевақт вафот этганлиги муносабати билан марҳуманинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.

«Ёзувчи» нашриёти жамоаси нашриёт ходими Валиса Ҳасанхўжаевага падари бузруквори **ЖАЛИЛ ота**нинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Бош муҳаррир Азим СУЮН

Таҳрир ҳайъати

Абдулла ОРИПОВ
Абдулҳафиз ЖАЛОЛОВ
Азиз НОСИРОВ
Одилжон ОЛИМЖОНОВ
Ислом ШОҒУЛОМОВ
Салим АШУРОВ (бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари)
Норбобо ШАКАРОВ (бош муҳаррир ўринбосари)
Алимқул СУЛТОНОВ (масъул котиб — «Ўзбекистон овози»)

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ
ГОЛОС УЗБЕКИСТАНА

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

БЎЛИМЛАР:

Мафкура ишлари ва партия ҳаёти — 133-76-04, 136-33-40.
Парламент фаолияти ва ҳуқуқ — 133-11-49, 136-54-06.
Иқтисодиёт — 133-21-43, 136-57-22.
Фан ва маданият — 133-20-36, 136-33-40.
Хатлар ва оммавий ишлар — 133-76-04.
Ахборот ва спорт — 133-12-56, 136-55-16.
Халқаро ҳаёт — 133-20-36.
Саноат, қурилиш ва транспорт бўлими — 133-07-20.
Реклама ва эълонлар — 133-38-55, 133-47-80.
факс — 133-38-55, 133-54-55

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:

Андижонда — 24-16-48;
Бухорода — 23-80-06;
Гулистонда — 25-16-22;
Жиззахда — 3-31-86;
Навоийда — 3-39-20;
Наманганда — 6-43-43;
Нукусда — 7-58-83;
Каттақўрғонда — 5-33-46;
Тошкентда — 33-76-04;
Урганчда — 6-51-35;
Фарғонада — 24-54-61;
Қаршида — 3-25-79;
Қумқўрғонда — 5-26-24.

МАНЗИЛИМИЗ:

700000, ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-УЙ.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси.

Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи муҳаррир Э. ЭСИРГАДИЕВ, навбатчи М. МИРФАЙЗИЕВ.

Рўйхатдан ўтиш тартиби №00120

Газета офсет усулида, А—2 форматида, 21 619 нусхада босилди

Ҳажми 2 босма табоқ

«Ўзбекистон овози» материалларини кўчириб босиш фақат таҳририят рухсати билан амалга оширилади.

Г — 0654

Босишга топшириш вақти — 21.00. Топширилди — 23.00.

1 2 3 4 5 6.

СОТУВДА ЭРКИН НАРХДА